
Профилактика мақсадида туман марказидаги “Деҳқон бозори”да дезинфекция ишлари бажарилди

Ўзбекистон Республикасига коронавируснинг кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар дастурини тайёрлаш бўйича республика махсус комиссиясининг қарорига кўра, пандемия шароитида аҳоли ва ҳудудлар хавфсизлигини таъминлаш, профилактик тадбирлар ўз вақтида ҳамда талаб даражасида бажарилишига эришиш мақсадида ҳар **ҳафтада бир маротаба бозорлар ёпилиб, уларда дезинфекция тадбирлари ўтказилиши белгиланган.**

Шунга кўра, аввал [хабар берганимиздек](#), бугун, 29 июнь куни Яйпан шаҳридаги “Деҳқон бозори” эрта тонгдан **вақтинча (бир кун)га ёпилди.**

Ўзбекистон туман Санитария эпидемиологик ва осойишталик маркази томонидан бозорда махсус транспортлар ёрдамида ва дезинфекторлар иштироқида **дезинфекция тадбирлари тўлиқ амалга оширилиб**, эртага тонгдан одатдагидек савдо қилиш учун тайёр ҳолатга келтирилди.

Ўзбекистон тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати

2020-06-29 20:46:32